

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВ ГАФУР УМУРКУЛОВИЧ

**КАМ СУВ ТАЛАБЧАН БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАР АСОСИДАГИ
КЎШИК БЕТОНЛАР**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021 й.

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Каримов Гафур Умуркулович

Кам сув талабчан боғловчилар ва улар асосидаги кўпик бетонлар.....5

Каримов Гафур Умуркулович

Вязущие низкой водопотребности и пенобетоны на их основе19

Karimov Gafur Umurkulovich

Binders of low water demand and foam based on their basis34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....37

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВ ГАФУР УМУРКУЛОВИЧ

**КАМ СУВ ТАЛАБЧАН БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАР АСОСИДАГИ
КЎШИК БЕТОНЛАР**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1876 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юсупов Ҳамид Ваҳобович**
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Хасанов Баҳридин Баратович**
техника фанлари доктори, профессор


Сатторов Зафар Муродович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Жиззах политехника институти.**

Диссертация химояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. ТАҚИ, Архитектура факультети. Тел.:(99871) 24-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 64 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «12» октябрдаги 5 рақамли рестер баённомаси).


Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи-илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий даражалар берувчи-илмий
кенгаш-илмий котиби, т.ф.д., доцент

С.А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи-илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, дунёда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда асосий боғловчи материал сифатида фойдаланиладиган цементга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Россия каби мамлакатларда цемент ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ишлаб чиқаришда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш, цемент сифатини пасайтирмаган ҳолда, унинг таркибидаги клинкер миқдорини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган цемент таннархини арзонлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу билан бирга, энергия самарадорлиги юқори бўлган деворбоп материалларни мавжуд маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда минерал боғловчи моддалар ва улар асосидаги материалларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари илмий лабораторияларида цемент ишлаб чиқаришда атроф-муҳитга карбонат ангидрид гази ажралиб чиқишини камайтириш, цемент ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш, майдалаш жараёнида кимёвий қўшимчалар ва механик усулда фаоллаштиришдан унумли фойдаланишга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда маҳаллий хомашё ва техноген чиқиндилар, шунингдек, сирт фаол моддалардан фойдаланиб, цемент ишлаб чиқаришда портландцемент клинкерини иқтисод қилиш имконини берувчи кам сув талабчан боғловчилар ва улардан фойдаланиб энергиясамарадор қурилиш материалларининг мақбул таркиблари ишлаб чиқилди. Жаҳон иқтисодиётидаги капитал қурилиш соҳасидаги тенденцияларни таҳлил қилиш, хусусан, боғловчи ва цемент ишлаб чиқаришда ресурс ва энергияни тежаш, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш бугунги ва келажакнинг муҳим талабларидандир. Бугунги кунда импорт ўрнини босувчи материаллар ва технологиялар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қурилиш индустрияси саноатини ривожлантириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида минерал боғловчиларнинг янги турларини олиш, ҳудудларда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни яратиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир қанча муҳим ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...аҳолини қулай арзон уй-жой билан таъминлаш, ...иқтисодиётда ёқилғи-энергия ва хомашё ресурслари сарфини камайтириш, ...қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи янги

корхоналарни қуриш»¹ муҳим вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинадиган кам сув талабчан боғловчилар (КСТБ) ва улар асосидаги кўпик бетон композицияларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертациядаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий хомашё ва саноат чиқиндиларидан, минерал боғловчи яратиш ва улардан фойдаланиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, уларнинг таркибларини ишлаб чиқиш, физик-техник хусусиятларини яхшилаш ва мустаҳкамлигини ошириш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилар жумладан: Волженский А. В., Пащенко А.А., Тимашев В.В., Schmidt M., Zhao Qinglin., Cheng Xin., Stark J., Wicht B., Батраков В.Г., Баженов Ю.М., Дворкин Л.И., Бикбау М.Я., Хозин В.Г., Фаликман В.Р. Рахимов Р.З., Калашников В.И. ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида қурилиш материаллари таркибини ишлаб чиқиш, структура ва хоссаларини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Адилходжаев А.И., Атакузиев Т.А., Бабаев Н.Х., Искандарова М.И., Қосимов Э.У., Махаматалиев И.М., Нудельман Б.И., Пўлатов З.П., Самиғов Н.А., Тохиров М.Қ., Тўлаганов А.А., Хасанов Б.Б., Камиллов Х.Х., Султонов А.А. ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим натижаларга эришганлар.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили КСТБ ва кўпик бетонлар ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш ва ресурстежамкор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

технологияларни яратиш соҳасида муҳим ижобий натижалар олинганлигини кўрсатди, бироқ Республикамизда КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетонларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаганлиги бу соҳада кенгроқ тадқиқот ишлари қилишни талаб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтининг № 8 сонли “Иссиқ қуруқ иқлим шароитида кам сув талабчан боғловчилар ва улар асосидаги бетонларнинг хусусиятлари” (2018-2022йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетон таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

механик усулда фаоллаштириш ҳисобига КСТБ олиш учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқинди материалларини танлаш ва асослаш;

механик фаоллаштириш жараёнларини тажрибани математик режалаштириш усули ёрдамида тадқиқ этган ҳолда, КСТБнинг мақбул таркибларини аниқлаш;

КСТБнинг физик-механик хоссалари ва вақт бўйича мустаҳкамлигининг ўзгаришини тадқиқ этиш;

КСТБнинг ишлаб чиқилган таркибларидан фойдаланиб, кўпик бетон таркибларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган таркиблар асосидаги кўпик бетонларнинг қурилиш-техник хоссаларини тадқиқ этиш;

КСТБ асосидаги кўпик бетон ишлаб чиқаришнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинган КСТБ асосида кўпик бетонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинган КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетонларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий параметрлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинган КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетонларнинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усулларида ҳамда боғловчи моддалар ва кўпик бетон таркибларини оптималлаштиришнинг математик усулларида ва экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«портландцемент клинкери-бархан қуми-суперпластификатор ва сув» тизимида механик фаоллаштиришнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, цемент тошида янги структура ҳосил бўлиш механизми аниқланган;

КСТБ мустаҳкамлигини унинг ташкил этувчилар миқдори ва солиштирма сирт юзасига боғлиқлигини ифодаловчи математик регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

кўпик бетон қоришмаси устуворлиги хусусиятларига таъсир этувчи асосий боғланишлар аниқланган.

КСТБ-50 типли боғловчи модда асосида олинган кўпик бетон синов натижаларига кўра ўртача зичлиги $600...800 \text{ кг/м}^3$ бўлган кўпик бетон олиш имконияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинган КСТБнинг муқобил таркиблари ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, олинган КСТБ тошининг мустаҳкамлиги вақт бўйича ортиши кўрсатиб берилган;

ишлаб чиқилган КСТБ таркиблари асосида автоклавсиз қотадиган кўпик бетон яратилган;

КСТБ асосидаги кўпик бетонни ишлаб чиқариш технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий воситалар ва стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблигини, ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосидаги КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетонларда фаза ҳосил бўлиш жараёни ва структурасининг шаклланишига, шу билан бирга, қотиш шароитида унинг физик-техник хоссаларига, сифат кўрсаткичларига ва узоқ муддатга чидамлилигига таъсирини ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, самарали КСТБ ва улар асосидаги кўпик бетонларнинг таркиблари ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кам сув талабчан боғловчилар ва улар асосидаги кўпик бетонлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шлак-бархан қуми- клинкер ва суперпластификатор ЖК-02 каби ташкил қилувчи компонентларни механик фаоллаштириш ҳисобига структура ҳосил бўлиши механизминини таъсири илмий асосланиб, “Қизилқумцемент” АЖ корхонасида КСТБ-55 типли боғловчи моддаларни оптимал таркиби ишлаб чиқишга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг

2021 йил 16 февралдаги 05/15- 499 – сонли маълумотномаси). Натижада, амалдаги стандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулот олиш имконини берган;

КСТБ-55 типли боғловчи моддалар асосида кўпик бетон олиш учун таклиф этилган инновацион гоа «STROITELNIE MATERIALI ISSLEDOVANIE ISPITANIE» ХК да жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 16 февралдаги 05/15-499-сонли маълумотномаси). Натижада ўртача зичлиги $D750-800 \text{ кг/м}^3$ ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги 2.5-4.8 МПа бўлган кўпик бетон ишлаб чиқаришга эришилган.

Амалга оширилган жараёнлар натижасида олинган маҳсулотнинг таннархи хисобланганда 1 тонна портландцементни ишлаб чиқариш қиймати 266411,23 сум, кам сув талабчан боғловчи КСТБ-55 типли боғловчи моддани ишлаб чиқариш қиймати эса 179477,12 сумни ташкил этди. Портландцемент асосида олинган D600 зичликка эга бўлган газабетон билан кам сув талабчан боғловчи модда асосида олинган кўпик бетон тан нархи солиштирилганда 57000 сум арзонлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Улардан, 7 та илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация тавсия этган илмий нашрларда 2 та хорижий ва 5 та республика миқёсидаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Механик усулда фаоллаштириш, кам сув талабчан боғловчилар ва кўпик бетонлар бўйича тадқиқот ишларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги адабиётларнинг таҳлилий шарҳи**” деб номланган биринчи бобида илмий муаммоларнинг замонавий ҳолатини таҳлилий шарҳлари келтирилган.

Бунда турли саноат тармоқларида юзага келадиган чиқиндиларни қўллаб олинган тўлғазувчи қоришмаларнинг таркиби ва хоссалари таҳлил қилинган, кам сув талабчан боғловчи моддаларни тадқиқотлашда ташкил қилувчи фаол минерал қўшимчаларни ва пластификаторларни фаоллаштириш усуллари ўрганилди.

Адабиётлар тахлили юқори маркали боғловчиларни қўллаб юқори потенциал энергиясига эга эканлигидан далolat беради ва юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган кам сув талабчан боғловчилар асосида кўпик бетон олиш имконига эга эканлиги номoён бўлди.

Боғловчи моддалар борасида олиб борилган тадқиқотларида кристалланиш жараёнини тезлаштирувчи ва қотиш тизимини яратувчи олимлар қўшимча сифатида боғловчини майинлиги самарадор ҳисоблаб, кўпик бетоннинг мустаҳкамлигини оширишда кам сув талабчан боғловчидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Кам сув талабчан боғловчилар асосидаги кўпик бетонлар соҳасидаги олиб борилган тадқиқотлар натижалари, адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, ғовак хусусиятларни шаклланаётган композиция таркибига ёпиқ ғовакларни яратишга кўмаклашувчи ва кристалланишни тезлаштирувчи қўшимчаларни киритиш билан имкон яратиш мумкин.

Диссертациянинг **“Фойдаланилган материаллар ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида комплекс қўшимчани олиш учун қўлланиладиган хом ашёларнинг хусусиятлари ва экспериментал тажрибаларини ўтказиш учун қабул қилинган тадқиқот усуллари келтирилган.

КСТБ олиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларда “Оҳангаронцемент” АЖ ва “Қизилқумцемент” АЖларининг портландцемент клинкери ва портландцементларидан фойдаланилган. Фойдаланилган портландцемент клинкерлари О’зДSt 2801:2013 талабларига тўлиқ жавоб беради.

КСТБ олишда боғловчи таркибидаги клинкерни тежаш мақсадида бархан қуми ва ЭТФ шлакдан фойдаланилди.

Органик модификацияловчи қўшимча сифатида Megaplast JK-02 суперпластификаторларидан фойдаланилди.

Модификаторлар бир хилда тарқалиши учун ЭТФ шлакни майдалаш жараёнида цемент массасига нисбатан JK-02 0.8% қўшилди. Майдалаш жараёни 60 ва 90 минутни ташкил этди. Кўпик ҳосил қилувчи сифатида Ареком-4, ва ПБ Люкс, фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотлари олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тадқиқотларнинг услублари асослаб берилган ва танлаб олинган. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган услублар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий услублари, ҳамда етакчи хорижий илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ностандарт методикалар қўлланган. КСТБ минерал микротўлдиргич таркибларини майдалаб тайёрлаш жараёнлари МБЛ 3,5 шарли тегирмони, вибротегирмон ва МЛР-15 роликли лаборатория тегирмонларида майдаланган. Минерал микротўлдиргичнинг дисперслигини

баҳоловчи нисбий сирт кўрсаткичи ПСХ-К асбобида Козени-Карман ҳаво ўтказувчанлик услуги бўйича аниқланган.

КСТБ суспензиялари реологик кўрсаткичлари В.И. Калашников ва Стокс усуллари бўйича аниқланган. КСТБ тизимлари ғоваклигини ўрганишда симобли порозиметрия услуги қўлланган ва бунда Thermo Scientific фирмасининг Pascal 240 EVO серияли симобли порозиметри ишлатилган. КСТБ композицияларининг тузилишини тадқиқ этиш ва шаклланаётган структурасини баҳолаш дифференциал термик, рентгенфазали, ИК-спектроскопик ва электрон микроскопик таҳлиллари асосида амалга оширилган. Бундан ташқари, тадқиқотларда бетон қоришмалари таркибини ва минерал микротўлдиргични майдалаш жараёнларини оптималлаштириш учун тажрибаларни режалаштиришнинг математик усули қўлланилган.

Диссертациянинг **“Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосидаги кам сув талабчан боғловчилар таркибларини ишлаб чиқиш ва хоссаларини аниқлаш”** деб номланган учинчи боби минерал ва кимёвий модификаторлардан фойдаланган ҳолда КСТБ олишда боғловчи таркибидаги клинкерни тежаш мақсадида бархан қуми ва ЭТФ шлакдан фойдаланилди аралашмаларини барабанли шарли ва роликли тегирмонлардаги механик усулда фаоллаштирилишига бағишланган. Тегирмоннинг битта бўлинмасидаги шарлар массаси 55 кг ни ташкил этиб, у $\varphi=0,25$ тўлиш коэффициентига ҳамда $N_{m.t.}=0,25$ кВт майдаловчи жисмлар қувватига тўғри келади. Тадқиқотлар натижасида бархан қуми ва ЭТФ шлак учун энг кичик талаб қилинадиган солиштирма сирт юзасига (≈ 3000 см²/г) 60-70 дақиқадан кам бўлмаган вақтдаги механик усулда фаоллаштириш орқали эришилиши аниқланган. Майинлик даражаси солиштирма сирт юзаси ($S_{\text{сол}}=5000\div 5500$ см²/г), элакдаги қолдиққа (№ 008, %) ва зичланмаган ҳолдаги тўкма зичликка кўра баҳоланган. Фаол минерал модда суперпластификатор- Megaplast Jk-2 (қоришма пластиклигини оширувчи кимёвий қўшимча), бархан қуми ва ЭТФ шлакни механик фаоллаштириш жараёнларига ва улар асосида олинган кам сув талабчан боғловчиларнинг физик-механик хоссаларига таъсири тадқиқ этилган. Суперпластификаторнинг портландцемент хамирининг нормал қуюқлигига таъсирини ўрганиш мақсадида ГОСТ талабларига кўра, портландцемент клинкерининг фаоллигини аниқлаб олиш учун, портландцемент клинкерига 5% гипс тошини қўшиб майдалаш орқали портландцемент олинди (1-жадвал, 1-таркиб). Солиштирма сирт юзаси 3200 см²/г га тенг майдалаб тайёрланган портландцементнинг нормал қуюқликдаги хамирини олиш учун портландцемент массасига нисбатан 25,6% сув сарф бўлди. Унинг қотиш вақтининг бошланиши ва охири мос равишда 1 соат 32 минут ва 3 соат 50 минутни ташкил этди. Мустаҳкамлигини аниқлаш учун тайёрланган намуналарга нам иссиқлик ишлов бериб қотириб олинган намуналарнинг 1-суткадан кейин мустаҳкамлиги 36,3 МПа ни ташкил этди (2-жадвал). Худди шу намуналар лаборатория шароитида 28 сутка сақланиб синалгандан сўнг уларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги 41,5 МПа га тенг бўлди.

Олинган натижалар (1-жадвал) бархан қуми ва ЭТФ шлакни минерал қўшимча билан қисман алмаштирилганда, бир хил вақт ичида механик усулда фаоллаштирилган аралашманинг солиштирма сирт юзаси ортиши содир бўлишини кўрсатди.

Мустақкамлик кўрсаткичларига кўра портландцемент клинкерли (ПК) таркиблар энг юқори натижаларга эга бўлишига қарамай, бу ҳолда массанинг тез тишлашиши кузатилди.

Суперпластификаторнинг портландцементнинг нормал қуюқлиги ва қотиш вақтига таъсири 1-жадвал келтирилган

1-жадвал

**цемент хамирининг нормал қуюқлигига ва қотиш вақтига
суперпластификаторни таъсири**

Т/р	ШЦ клинкери миқдори, %	гипс тоши, %	ЖК-02 миқдори, %	Солиштирма сирт юзаси, см ² /г	Сув-цемент нисбати, %	Қотиш даври, соат-мин	
						бошланиши	охири
1	95	5	0	3200	25,6	1-32	3-50
2			0,6	5000	19,6	0-25	1-30
3			0,8		17,0	1-25	3-35
4			1,0		16,3	1-30	4-35

Ҳар томонлама қилинган таҳлил натижаси клинкер ва бархан қуми қўшилган таркиб энг мақбул ечим эканлигини кўрсатди.

Портландцемент клинкери ва ЭТФ шлакнинг солиштирма сирт юзасининг ошмаганлигини ва кўпик ҳосил қилувчи моддадан ташқари барча суперпластификаторлар мустақкамлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этишини яққол намоён этди. Шунингдек, кўпик ҳосил қилувчи модда намунанинг зичлигини камайтириши ҳам кузатилди. ЭТФ шлак заррачаларнинг бир-бирига ёпишиш ҳолати билан изоҳлаш мумкин. ЭТФ шлакининг оқлик даражаси шарли тегирмондаги механик фаоллаштириш жараёни давомийлигининг ортиб бориши билан ошиши кузатилди. ЭТФ боғловчи таркибидаги қўшимчанинг миқдорини аниқлаш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Кам сув талабчан боғловчи (КСТБ)ни механик усулда фаоллаштириш жараёнини тадқиқ этиш ва уни баҳолаш имкониятини ўрганиш мақсадида 3 омилли тажриба режаси тузилди.

Ўзгарувчан факторлар сифатида тадқиқ этилаётган материалларнинг мустақкамлигига катта таъсир кўрсатадиган параметрлардан фойдаланилган, яъни:

X_1 - КСТБ таркибидаги минерал қўшимчанинг миқдори, %;

X_2 - КСТБ таркибидаги кимёвий қўшимчанинг миқдори, %.

КСТБ таркибини оптималлаштиришда компонентларнинг миқдори портландцемент клинкери, минерал қўшимча миқдори, кимёвий қўшимча

миқдори ва гипс тоши миқдорлари жамланмаси 100%ни ташкил этиш шартидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилди. Ўзгармас факторлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди:

- майдалаб тайёрланган КСТБнинг солиштирма сирт юзаси

($S_{уд}$)-5000 см²/г;

- сув-цемент нисбати - 0,3;

- майдалаб тайёрланган КСТБ таркибидаги гипс тоши миқдори умумий массага нисбатан 3% қабул қилинди.

Экспериментларни бажариш вақтидаги вариантлар диапазони дастлабки олинган натижалар ва адабиётлар таҳлили асосида қабул қилинган.

Ўзгарувчи факторларнинг миқдори ва экспериментларни режалаштириш шартлари 2-жадвалда келтирилган.

Microsoft Excel дастури ёрдамида тажрибалар маълумотлар таҳлиллари ўтказилди ва шу билан бирга, кўп факторли моделларнинг параметрларини ҳисоблаш амалга оширилди.

2-жадвал

Тажрибалар икки фазада инерт ва фаол қўшимчаларда бажарилган тажрибани режалаштириш шартлари

Омиллар		Ўлчов бирлиги	Ўзгариш шартлари			Ўзгариш қадами
натурал кўриниш	кодланган кўриниш		Даражалар			
			пастки	асосий	юқори	
Минерал қўшимча миқдори, умумий масс. нисбатан	X ₁	%	20	35	50	15
Megaplas Jk-02 суперпластификатор миқдори, умумий масс. нисбатан	X ₂	%	0,6	1	1,4	0,4

Тажрибаларни бажаришда ҳар бир тажриба камида 5 маротаба амалга оширилди, шундан сўнг ишончлилик оралиғидан чиқиб кетган натижалар бекор қилинди ва қолган маълумотлардан ўртача арифметик кўрсаткичлар олинди.

Жараёнга таъсир қилувчи 1- ва 2-омиллар сифатида клинкер ва бархан қумнинг огирлик миқдори ва 3-омил сифатида механик фаоллаштириш давомийлиги танлаб олинди. Компонентларнинг миқдори қуйидаги оралиқларда олинди (%):ПК 0-55%; суперпластификатор ЖК-02 0-08%; бархан қуми ва ЭТФ шлаг қолгани. Режалаштирилган матрицадаги тажриба сони 20 дона қилиб белгиланган. Юлдузчали елкалар катталиги 1,682 ва n = 6 га тенг. Тадқиқот натижалари бархан қуми ва ЭТФ шлакнинг тўйилиш даражасига механик фаоллаштириш вақтидан ташқари ПК ва суперпластификатор ЖК-02 миқдори ҳам таъсири қилишини кўрсатди. суперпластификатор ЖК-02 миқдорининг ортиши бархан қуми ва ЭТФ шлакнинг механик активлаштириш жараёнининг секинлашишига ва материални тегирмон деворлари ҳамда шарлари юзасига ёпишишига олиб

келишини кўрсатди. КСТБни механик усулда активлаштиришдан олинган натижалар асосида қуйидаги регрессия тенгликлари олинди:


- бархан қумидан фойдаланиб тайёрланган КСТБнинг иссиқлик нам ишлов беришдан кейин:

$$Y_{\text{ТВО}} = 40,292 - 19,487X_1 + 2,267X_2 + 0,428X_1X_2 + 3,895X_1^2 + 0,095X_2^2 \quad (1)$$

- ЭТФ шлакидан фойдаланиб тайёрланган КСТБнинг иссиқлик нам ишлов беришдан кейин:

$$Y_{\text{ТВО}} = 63,487 - 24,185X_1 + 0,545X_2 + 0,338X_1X_2 - 1,867X_1^2 + 0,432X_2^2 \quad (2)$$

Шуни таъкидлаш керакки, КСТБлар ўз мустаҳкамлигини вақт ўтиши билан қотиш даврида ошириб боради. Буни математик регрессия тенгламалардан коэффицентларнинг ортиб боришида кўриш мумкин.



1-расм. Бархан қумидан фойдаланиб олинган КСТБнинг иссиқлик-нам ишлови берилганидан кейинги мустаҳкамлик диаграммаси, МПа

2-расм. ЭТФ шлакидан фойдаланиб олинган КСТБнинг иссиқлик-нам ишлови берилганидан кейинги мустаҳкамлик диаграммаси, МПа

Кейинги илмий тадқиқотларимизда фойдаланиш учун КСТБнинг таркиблари уларнинг фаоллиги, таркибдаги тан нархи қиммат бўлган портландцемент клинкери миқдори, КСТБларни тайёрлаш вақтидаги энергия харажатлари ва шунинг учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.


Диссертациянинг «**Кам сув талабчан боғловчилар асосидаги кўпик бетонлар**» номли тўртинчи боби кўпик бетон ишлаб чиқишда боғловчи матрицасида ғовак ҳосил бўлиши масалалари намуналарни микроскоп остида таҳлил қилиш натижасида ўрганилди. Бунда КСТБ намуналар оддий портландцемент асосидаги намуналар билан солиштирилган.

Бунинг учун 3 турдаги намуналар кўпик бетон ишлаб чиқиш технологияси бўйича тайёрланди: 1-си портландцементдан, 2-си бархан қуми асосидаги КСТБ дан, 3-си ЭТФ шлак асосидаги КСТБ дан. Барча намуналар учун ўртача зичлик 700 кг/см^3 , кўпик ҳосил қилувчи ПБ-2000 миқдори 0,6

л/м³ деб қабул қилинди. Портландцемент асосидаги кўпик бетон намунаси учун С/Б нисбат 0,4 ва КСТБ асосидаги намуналар учун эса 0,2 ни ташкил этади.


Портландцементдан олинган кўпик бетон макроструктураси майда очик ғовакликлар ва ёпиқ пуфакчалардан ташкил топган (3-расм, а ва б). Очик ғовакликлар ўлчами 2 мм дан ошмайди. Макроструктура элементлари намуна ҳажми бўйича бир меъёра тарқалган. Очик ғовакликлар газ пуфакчаларининг ёрилишидан ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин (3-расм, в). Ғовакликлар бир-биридан гидратланган боғловчининг заррачалари билан ажралиб туради ва шу сабабли умумий мустаҳкамликни таъминлайди.

Портландцементдан олинган кўпик бетон макроструктураси (3-расм, г) турли ўлчамдаги боғловчининг гидратланган заррачаларидан ташкил топганлиги ва улар орасида очик ғовакликлар учрашини кўриш мумкин. Очик ғовакликлар намуна тузилишининг асосий элементларидан бири бўлиб, уларнинг намуна ҳажми бўйича тарқалиши маълум қонуниятларга бўйсинмайди.



3-расм. Портландцементдан олинган кўпик бетон макроструктураси

Бархан қуми асосидаги КСТБ дан олинган кўпик бетон макроструктураси (4-расм) юқоридагидан фарқланади. Масалан, ёпиқ пуфакчалар ва очик ғовакликларнинг ўлчамлари бирмунча катталашган. Очик ғовакликларнинг нафақат гидратланган боғловчининг заррачалари туташидан (4-расм, в), балки газ пуфакчаларининг қисман емирилиши ҳисобига ҳам ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин. Макроструктуранинг умумий кўриши (4-расм, г), портландцементдан олинган кўпик бетон макроструктураси каби, турли ўлчамдаги боғловчининг гидратланган заррачаларидан ташкил топганлиги ва улар орасида очик ғовакликлар борлиги билан характерланади.



4-расм. Бархан қуми асосидаги КСТБ дан олинган кўпик бетон макроструктураси



А, х500

Б, х500

В, х500

Г, х500

5-расм. ЭТФ шлак асосидаги КСТБ дан олинган кўпик бетон макроструктураси

ЭТФ шлак асосидаги КСТБ дан олинган кўпик бетон макроструктураси (5-расм) бархан қуми асосидаги КСТБ дан олинган кўпик бетон макроструктурасига нисбатан ёпиқ пуфакчалар ва очик ғовакликларнинг ўлчамлари янада катталашганлиги билан фарқланади. Очик ғовакликларнинг бир қисми газ пуфакчаларининг қисман емирилиши ҳисобига ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш шароитидаги тажриба синови”** деб номланган бешинчи бобида 2019-2020 йиллар давомида илмий тадқиқот ишлари АЖ “Қизилқумцемент” корхонасининг синов лабораториясида амалга оширилиб, олинган натижаларни ишлаб чиқариш шароитида имконияти синовдан ўтказишда 2020 йил ишлаб чиқариш синови амалга оширишда шлак-бархан қуми-клинкер ва суперпластификатор ЖК-02 каби ташкил қилувчи компонентларни механик фаоллаштириш ҳисобига структура ҳосил бўлиши механизминини таъсири илмий асосланиб, КСТБ-50 типли кам сув талабчан боғловчини оптимал таркиби ишлаб чиқиш учун боғловчидан фойдаланиш хусусиятлари ва тан нархини камайтиришга эришилди. (Акт внедрения 2020 й), (2020 йил илмий натижалар акти) Амалга оширилган илмий тадқиқот ва синовлар натижаларига кўра МЧЖ “SOGDA BUILDING MATERIALS” корхонаси 2020 йил илмий изланиш ишлар натижалар ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш актга асосан кам сув талабчан боғловчи моддани КСТБ-55 типли портландцемент М-400 билан таққосланиб, цемент ишлаб чиқариш учун сарфланадиган барча харажатлар учун техник иқтисодий кўрсаткичлари такомиллашиб кам сув талабчан боғловчини самарали эканлиги аниқланган.

Бундан ташқари, КСТБ-55 типли боғловчи моддалар асосида кўпик бетон олиш учун таклиф этилган инновацион ғоя МЧЖ «STROITELNIE MATERIALI ISSLEDOVANIE ISPITANIE» корхонасида (акт внедрение) синов амалга оширилиб, КСТБ-55 асосидаги кўпик бетонни сикилишдаги мустахкамлиги 2.5-4.8 Мпа, зичлиги D750-800 ва намлиги 10.2-14.1% бўлганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Бархан қуми, шлак, кул, суперпластификатор каби компонентларни боғловчи моддалар ишлаб чиқаришдаги таъсир этувчи омиллари ва хусусиятлари назарий жихатдан ўрганилиб, тадқиқод қилиш учун оптимал таркиб танлашни амалий тарафлари аниқланди.

2. КСТБоғловчиларни солиштирма юзаси юқори (5000-5500 см²/г) бўлиб, уларни замонавий модификаторлардан (кимёвий ва минерал) ишлаб чиқаришда мавжуд технологик усулларни қўллаб иқтисодий жихатдан самарадорлиги аниқланди.

3. Боғловчи моддалар борасида олиб борилган тадқиқотларида кристалланиш жараёнини тезлаштирувчи ва қотиш тизимини яратувчи омиллар қўшимча сифатида боғловчини майинлиги самарадор ҳисобланиб, кўпик бетоннинг мустаҳкамлигини оширишда кам сув талабчан боғловчидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

4. Кам сув талабчан боғловчилар асосидаги кўпик бетонлар соҳасидаги олиб борилган тадқиқотлар натижалари, адабётлар тахлили шуни кўрсатдики, ғовак хусусиятларни шакилланаётган композиция таркибига ёпиқ ғовакларни яратишга кўмаклашувчи ва кристалланишни тезлаштирувчи қўшимчаларни киритиш имконияти тавсифланган.

5. КСТБ таркибларини оптималлаштириш бўйича математик моделлар ва мустаҳкамлик диаграммаларини тахлил натижалари бўйича боғловчи мустаҳкамлигига энг катта таъсир этувчи фактор кремнезём таркибли бархан қуми ва ЭТФ шлак миқдори эканлиги аниқланди.

6. КСТБ асосидаги цемент тошининг физик-механик хусусиятларини хар хил шароитларда ва структура хосил бўлиш кинетикасини аниқланди.

7. Бархан қуми, ЭТФ шлакларни қўллаб, КСТБ олишда фойдаланишнинг асосий омилларидан бири бу кремнийдиоксиднинг қотаётган цемент тошидаги кальций гидроксид билан ўзаро таъсирланиш қобилиятлари аниқланди.

8. Кам сув талабчан боғловчи моддалар ишлаб чиқариш учун технологик линия ишлаб чиқилди.

9. Ишлаб чиқариш синов амалга оширилган илмий изланиш шунатижаларни ишлаб чиқаришда жорий этишда таққосланганда сарфланадиган барча харажатлар учун техник ва иқтисодий кўрсаткичлар натижасига кўра маҳсулотни тан нархи ҳисобланганда маркаси М500 бўлган портландцементни ишлаб чиқариш қиймати 266411,23 сумни, КСТБ-55 типли боғловчини ишлаб чиқариш қиймати 179447,12 сўмни ташкил этганлиги аниқланди.

10. КСТБ-55 типли боғловчи асосида олинган кўпик бетон синов натижаларига кўра ўртача зичлиги 600...800 кг/м³ бўлган кўпик бетон олиш имконияти аниқланди.

11. КСТБ асосидаги уялили кўпик бетон ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш технологик линияси ишлаб чиқилиб, қурилиш меъёрий қойдалар асосида амалга оширилган тажриба ва назарий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро муносиблиги аниқланиб, амалётга жорий этилди. Навоий АЖ “Қизилқумцемент” корхонасининг синов лабораториясида ва ишлаб чиқариш синов майдонида КСТБ-45, КСТБ-55, КСТБ-60 типлари синовдан ўтказилиб, норматив хужжатларга кўра барча талабларга мувофиқлиги намоён этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

КАРИМОВ ГАФУР УМУРКУЛОВИЧ

**ВЯЖУЩИЕ НИЗКОЙ ВОДОПОТРЕБНОСТИ И ПЕНОБЕТОНЫ НА
ИХ ОСНОВЕ**

05.09.05 - Строительные материалы и изделия

**Диссертация доктора философии (PhD) по техническим наукам
АВТОРЕФЕРАТ**

Самарканд - 2021 г.

Тема докторской (PhD) диссертации по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD / Т1876 .

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.taqi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Руководитель: **Юсупов Хамид Вахобович**
Кандидат технических наук , доцент

Официальные оппоненты: **Хасанов Бахридин Баратович**
доктор технических наук, профессор
Сагторов Зафар Муродович
Кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация: **Джиззахский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «30» ноябрь 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Кадырий, дом №7В. Архитектурный факультет. Тел.:(998 71) 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz , taqi_atm@edu.uz).

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за № 64). Адрес: 100011, г. Ташкент улица Кичик Халка йули, дом №7. Тел.:(998 71) 235-43-30; факс: (998 71) 234-15-11.

Автореферат диссертации разослан « 12 »ноябрь 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 5 от « 12 » октябрь 2021 года).

Х.А. Акрамов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов
Ученый секретарь Научного совета по
Присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

С.А. Ходжаев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность темы диссертации. Сегодня в мире растет потребность на цемент, который используется в качестве основного вяжущего материала при производстве строительных материалов, изделий и конструкций. В развитых странах, включая США, Германию, Японию, Китай, Россию, увеличиваются объемы производства цемента. Использование промышленных отходов в производстве без снижения качества цемента, снижение стоимости производимого цемента за счет уменьшения количества клинкера в нем, повышение их эффективности становится все более важным. При этом особое внимание уделяется развитию энергосберегающих технологий производства высокоэффективных стеновых материалов с использованием существующего местного сырья и промышленных отходов.

Существует множество исследовательских работ, направленных на эффективное использование активации. Научные исследования в этой области позволили разработать вяжущие низкой водопотребности и оптимальные составы энергоэффективных строительных материалов с использованием местного сырья и техногенных отходов, а также поверхностно-активных веществ, которые позволяют экономить портландцементный клинкер при производстве цемента. Анализ тенденций капитального строительства в мировой экономике, в частности, ресурсов и энергосбережении при производстве вяжущих и цемента, использование инновационных технологий и решение экологических проблем-важные требования сегодняшнего дня и будущего. Сегодня актуально создание импортозамещающих материалов и технологий.

